

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30.05.2018.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ АКМАЛ АКПАРАЛИЕВИЧ**

**ТОЛА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА АРРАЛИ ЖИННИ  
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов  
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2018 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Умаров Акмал Акпаралиевич**

Тола сифатини яхшилаш мақсадида аррали жинни таъминлаш  
жараёнини такомиллаштириш 3

**Умаров Акмал Акпаралиевич**

Совершенствование процесса питания пильного джина с целью  
улучшения качества волокна 21

**Umarov Akmal**

Improving the process of feeder in saw gin stand in order to improve the  
quality of fiber 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ 42  
List of published works

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30.05.2018.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ АКМАЛ АКПАРАЛИЕВИЧ**

**ТОЛА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА АРРАЛИ ЖИННИ  
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов  
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2018 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т529 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедходжаев Хамит Турсунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Алишер Зулунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулейманов Рустам Шенникович**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “17” ноябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (126-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2018 йил “30” октябр куни тарқатилди.  
(2018 йил “30” октябрдаги 01-рақамли реестр баённомаси).

**Р.Мурадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**О.Саримсаков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Қ.Холиков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бозорида табиий толалар, айниқса пахта толасига бўлган талаб йилдан-йил ошиб бормоқда. «Пахта бўйича Халқаро консултатив кўмита (ICAC)» маълумотларига қараганда сўнги йилларда жаҳон миқёсида 23,0 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унинг истеъмоли эса 24,55 млн тоннани ташкил этмоқда. Интенсив равишда ортиб бораётган аҳоли сони ҳисобига пахта толаси истеъмоли ва унга бўлган талабнинг истиқболда ҳам ортиб бориши кутилмоқда<sup>1</sup>. Шунга кўра жаҳон миқёсида пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек пахтани қуритиш, уни майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш, пахта толасини чигитдан ажратиш, пахта хомашёси ва толасини намлаш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи автоматлашган, ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пахтага дастлабки ишлов бериш технологиясининг асосий босқичи сифатида, пахта толасини чигитдан ажратиш (жинлаш) жараёни, техника ва технологиясини ривожлантиришга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, пахтани жинлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий асослари яратилмоқда, илмий хажмдор, автоматлашган, шунингдек замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни жадаллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида тола ва чигитнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш, жараён энергия сарфини камайтириш имкониятини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган ихчам технологияларни, пахта толасини чигитдан ажратувчи ва жараённи пахта хомашёси билан таъминловчи ускуналарининг содда, кам материал ва энергия сарфлайдиган конструкцияларини яратиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

---

<sup>1</sup> International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email [secretariat@icac.org](mailto:secretariat@icac.org). September 1, 2017

технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифани бажаришда пахта хомашёсини тола ажратиш жараёнига бир меъёрда узатиш ҳамда пахта толасини чигитдан ажратишнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнининг саноат даражасида шаклланишига Америкалик инженер Эли Уитни томонидан 1793 йил яратилган биринчи жин машинаси туртки бўлган. Ҳозирги кунгача бўлган тараққиёт босқичларида жараённинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди, у бутун бошли технологик занжир сифатида шаклланди ва ривожланди. Америкалик D.M. Alberson, C.V.Armijo, M.N.Gullim, D.P.Whitelock, G.R.Gamble, S.E.Hugs каби ихтирочи ва олимлар, шунингдек Левкович Б.А., Болдинский И.Г., Мирошниченко Г.И., Роганов Б.И., Хожинова М.А., Гробер А.Д., Бекмирзаев Б.И., Каттаходжаев Р.М., Фазилдинов С., Гнеденко В.И., Тютин П.Н., Лугачев А.Е., Бурнашев Р.З., Корабельников Р.В., Мавлявиева Ф.М., Хафизов И.К., Тиллаев М.Т., Мақсудов И.Т. ва Азизходжаев А., Ҳожиёв М.Т., Усманов Х.С., Гулидов Н.Г., Базаров Б.Б., Сафаров Н.М., Ахмедходжаев Х.Т., Мурадов Р.М. каби Ватанимиз олимлари нафақат пахта толасини чигитдан ажратиш жараёни, балки тўлиғича пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясининг тараққиётига алоҳида ҳисса қўшдилар.

Ҳозиргача амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари пахта толасини чигитдан ажратиш жараёни ва машиналарини такомиллаштиришнинг айрим масалаларини ҳал этиш, шунингдек аррали жинларни пахта билан таъминлаш жараёнини такомиллаштириш, аррали жин машинасини таъминлашни ростилашга қаратилган бўлиб, улар натижасида пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияси муайян даражада ривожланган, олинаётган маҳсулот сифат ва миқдор кўрсаткичлари яхшиланган. Аммо,

аррали жин машинасида хомашё валиги зичлиги даражасига мос равишда жараённи хомашё билан таъминлашни бошқаришнинг ресурстежамкор ва пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаш имкониятини берадиган технологиясини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилган эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИОТ-2016-2-9 «Жин машинасида хомашё валиги зичлигини ростловчи ва электр энергия тежовчи мосламаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2016-2017) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тола ажратиш машинасини пахта билан таъминлашни автоматик ростлаш йўли билан унинг самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жинлаш машиналарини хомашё билан таъминлашни ростлаш бўйича мавжуд тадқиқотларнинг таҳлили асосида технологик жараёнларни бошқаришнинг янги қурилмалари ва тизимларидан фойдаланиб таъминлашни ростлаш жараёнини такомиллаштиришнинг рационал йўналишини танлаш;

пахта тозалашдаги турғун ва нотурғун технологик жараёнларни назарий тадқиқ қилиш, хомашё валиги зичлиги ва аррали цилиндр электромотори юкланиш токи орасидаги боғланишни аниқлаш;

технологик машиналарда таъминлашни автоматик ростлашнинг мавжуд тизимларини ва технологик жараёнларни ростлашнинг мавжуд қонуниятлари таҳлили асосида жинлаш машиналарини хомашё билан таъминлашни ростлашнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш, жинларни пахта билан таъминлаш технологик жараёнини назорат қилиш ва бошқариш воситаларини яратиш;

пахта толасини чигитдан ажратувчи машиналарни хомашё билан таъминлашни ростлаш тизимларини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга тавсия қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта хомашёси, аррали жин машинасини пахта билан таъминлаш ва жинлаш жараёнлари ҳамда ускуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни пахта толасини чигитдан ажратиш ва уни тадқиқ қилиш методлари ва воситалари, пахта, тола ва чигитнинг жараёндаги ҳаракат қонунлари, яратилган конструкцияларнинг иш режимлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аррали жин хомашё валиги параметрлари билан арра ишчи юзаси орасидаги ишқаланиш кучининг ўзаро боғланиши нотурғун технологик жараёни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

хомашё валиги зичлиги билан ток кучининг рационал параметрлари аррали жин хомашё валиги зичлиги билан аррали цилиндр моторига тушадиган ток кучининг ўзаро боғланиши асосида аниқланган;

аррали цилиндр моторига тушадиган ток кучи миқдорига кўра аррали жинга узатилаётган хомашё миқдорини бошқарадиган аррали жин машинасини пахта билан таъминлаш технологияси ишлаб чиқилган;

аррали жин машинасини пахта билан таъминлашнинг аррали жин ишчи камерасидаги хомашё валиги зичлигига боғлиқ равишда автоматик ростлаш ускунаси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аррали жинда хомашё валиги зичлигининг ўзиростланишини тадқиқ қилиш йўли билан ўзиростланиш коэффициентининг катталиги, унинг хомашё валиги зичлиги ортиши билан ошиб бориши аниқланган;

аррали жин машинасини хомашё билан таъминлаш жараёнини таҳлил қилиш имконини берувчи аррали цилиндр электромотори ток кучининг хомашё валиги зичлигига боғланиш тенгламаси ишлаб чиқилган;

пахтани жинлаш жараёнига узатиш ва толани чигитдан ажратиш жараёнлари математик моделлари таҳлили асосида пахта ва унинг маҳсулотлари табиий хусусиятлари сақланишини таъминловчи, жинлаш машиналарини пахта билан таъминлаш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш ва бошқариш тизими ва воситалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аррали жинни таъминлаш жараёнини назарий тадқиқотлари ва олинган натижаларининг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисобий ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яратилган математик моделлар ва эмпирик тенгламаларнинг пахта тозалаш, хусусан, жинлаш жараёни назарий асосларини муайян даражада ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда уларнинг пахта маҳсулотлари табиий хусусиятлари сақланишини таъминловчи, жинлаш машиналарини пахта билан таъминлаш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш ва бошқариш тизими ва воситалари яратилишига асос бўлгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг пахта тозалаш саноати эҳтиёжи асосида амалга оширилгани, натижада пахта тозалаш корхоналари учун юқори иқтисодий самара берадиган жинлаш машиналарини хомашё билан таъминлашни ростлашнинг ресурстежамкор технологияси ва ускуналари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жинлаш машиналарини хомашё билан таъминлашни ростлашнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

аррали жин ишчи камераси янги конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Аррали жин ишчи камераси», №FAP00599-2011й.). Натижада жин машинаси ишчи камерасида хомашё зичлигининг бир хилда ушланиши ҳисобига ишлов берилаётган пахта хомашёсининг дастлабки табиий хусусиятларини сақлаш ва энергия сарфини камайтиришга эришилган;

аррали жин таъминлагичининг янги конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Аррали жин таъминловчиси», №FAP00600-2011й.). Натижада жин машинасини пахта билан бир маромда таъминланиши пахтанинг дастлабки табиий хусусиятларини сақлаш имконини берган;

аррали жин таъминлагичи ва ишчи камераси «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли «Тўрақўрғон пахта тозалаш» АЖда узлуксиз технологик жараёнга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 10 августдаги 02-18/4757-сон маълумотномаси). Натижада, жин машинаси ишчи камерасида хомашё зичлигининг бир хилда ушланиши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушининг 0,3-0,5%га, чигит механик шикастланганлигининг 0,2-1,1%га камайишига эришилган;

жинлаш машиналарини пахта билан таъминлаш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш ва бошқариш тизимлари «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли «Косонсой пахта тозалаш» АЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 10 августдаги 02-18/4757-сон маълумотномаси). Натижада, аррали жин машинасининг пахта билан бир меъёрда таъминланиши пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини 0,3-0,5%га, чигитнинг механик шикастланганлигини 0,2-1,1%га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган, 2010 йил “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” Республика ярмаркасида намойиш этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича 37 илмий иш чоп қилинган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шу жумладан 5 та мақола республика ва 2 та мақола чет эл журналларида нашр этилган, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2 та патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича аналитик таҳлил”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича аналитик таҳлил ўтказилган ва тадқиқот йўналишлари асосланган. Аррали жинларда бошқариш масалаларининг умумий ҳолати таҳлил қилинган, ҳамда тола ажратиш жараёнида хомашё валиги зичлиги ва тезлигининг аҳамияти ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Аррали жинлаш жараёнида унумдорлик, хомашё валиги зичлиги ва ишлаб чиқарилаётган тола ва чигит сифатининг ўзаро боғланиши асослаб берилган.


Мавзуга бағишланган тадқиқотларнинг аксарияти Пахтасаноат илмий маркази ва ТТЕСИ да ўтказилган бўлиб, уларнинг кўрсатишича, толада жинлаш нуқсонларини ҳосил бўлиш сабабларидан асосийси – хомашё валигининг ортиқча ва ўзгарувчан зичлигидир. Хомашё валиги зичлиги ошганда тўқув жараёнига салбий таъсир қилувчи тугунчаклар, комбинацияланган тугунчаклар ва тугунчалар ҳосил бўлади.

Мавзу бўйича кўриб чиқилган тадқиқотларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади: тола ажратишнинг унумдорлиги, тола ва чигитнинг сифатини белгиловчи асосий омиллар хомашё валигининг параметрларига боғлиқ бўлиб, уларнинг энг аҳамиятлиси валикнинг зичлигидир; хомашё валигининг зичлиги асосан икки омил – таъминлаш ҳамда тола ва тозаланган чигитни ишчи камерадан чиқариб юбориш кўрсаткичлари орасидаги динамик мувозанатнинг ҳолати билан белгиланади; хомашё валиги зичлигини ростлашни такомиллаштириш таъминлагич тезлигини ўзгартириш, ИВА русумли вариаторни такомиллаштириш, уни ростланадиган электромоторли редуктор билан алмаштириш каби йўналишларда амалга оширилмоқда; таъминлагич тезлигини ростлаш учун ростлашнинг биртекислиги, механик жиҳатдан соддалиги ва энг муҳими электромотор механик характеристикасининг мос келиши каби талабларга фақат электр токи частотасини ўзгартириб ростлаш усули тўлиқ жавоб беради; частотали ростланувчи асинхрон электр юритмалар борасида бажарилган тадқиқотлар натижасида кўриб ўтилган барча талабларга тўла жавоб бераоладиган ростлаш тизимини яратиш имконияти вужудга келган.

Диссертациянинг **“Пахта тозалаш технологик жараёнларини бошқаришнинг назарий ва амалий асослари тадқиқи”** деб номланган иккинчи бобида пахта тозалаш технологик жараёнларини бошқаришнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган.

Арра ва хомашё валигининг ўзаро таъсирлашув схемасини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм). Бу ерда тола тутами эркин учининг ишқаланишли ҳаракатида учта ҳолат фарқланади:

1. Тола тутами иккита толали чигит орасидан суғуриб олинади (2, а-расм);
2. Тола тутами иккита тоза чигит орасидан суғуриб олинади (2, б-расм);
3. Тола тутами толали чигит ва тоза чигит орасидан суғуриб олинади (2, в-расм).



**1-расм. Арра ва хомашё валигининг ўзаро таъсирлашув схемаси**

Олиб борган дастлабки тадқиқотлар тола тутами эркин учли тармоғининг иккита қайишқоқ шар билан ишқаланиши

$$F = 2\eta_1 N \quad (1)$$

кўринишдаги Амонтон қонунига бўйсунганини кўрсатди ва бунда,  $F$  – ишқаланиш кучи,  $N$ ;  $\eta_1$  – ишқаланиш коэффиценти;  $N$  – меъёрий (нормал) куч,  $N$ .


Тола тутами эркин учли тармоғининг иккита бикр шар билан ишқаланиши

$$F = 2(A + \eta_2 N) \quad (2)$$


кўринишдаги Кулон қонунига бўйсунди ва бунда,  $A$  – шу жуфтлик учун хос бўлган доимий;  $\eta_2$  – ишқаланиш коэффиценти.

Тола тутами эркин учли тармоғининг қайишқоқ ва бикр шарлар орасидаги ишқаланишда уларнинг ҳар бири билан бўлган ишқаланиш кучларининг йиғиндисига тенг:

$$F = \eta_1 N + \eta_2 N + A. \quad (3)$$



2-расм. Тола тутамини суғуриб олиш учта шароити



3-расм. Ишқаланиш кучларининг эпюралари

Тола тутами эркин учининг ишқаланишли ҳаракатини таҳлил қилишда ишқаланиш кучлари бир нуқтага қўйилган деб ҳисоблаймиз. Амалда шарларнинг қайишқоқлиги ёки бикрлигининг таъсирида ишқаланиш кучларининг эпюралари 3-расмдаги кўринишга эга бўлади.

3-расмдан кўринадикки, тола тутами бикр ва қайишқоқ, айниқса иккита бикр шар орасидан суғурилганда босим ниҳоятда нотекис тақсимланади, натижада тутам четларидаги толалар амалда ишламайди, контакт марказидагилар эса зўриқиб ишлайди. Натижада зичлик катта бўлиши туфайли тола тутами *KLM* (1-расм) соҳадан чапда суғурилиб олингандан контакт юзасининг марказида ва унга яқин бўлган жойлардаги толалар узилиши рўй беради ва бу калта толалар микдорини ортишига олиб келади. Хомашё валиги зичлигини ортиши билан калта толалар чиқишини ортиши бизгача қилинган тадқиқотларда ҳам аниқланган.

Пахта тозалаш жиҳозларини бошқариш масаласи биринчи навбатда уларда кечадиган технологик жараёнларни бошқаришни англатади. Бу эса технологик жараёнларни математик моделлаштиришни тақозо қилади. Турғун пахта тозалаш жараёнларини назарий тадқиқ қилиб ишланувчи ашёнинг тайёр маҳсулотга айланиш тенгламасини оламиз:

$$y_x = \frac{\kappa_1 t}{1 + (\kappa_1 + \kappa_2) t} \quad (4)$$

бунда,  $k_1, k_2$  – мос равишда ишлов берилаётган ашё ва жиҳозларнинг самарадорлигига боғлиқ коэффицентлар;  $t$  – технологик жараён турғунлашган бўлганида ҳар бир ўтим ёки бутун ишлаб чиқаришда пахта ва толани ишлов вақти.

Пахта тозалашдаги кўпчилик нотурғун технологик жараёнлар ишчи камерадаги, масалан, хомашё валиги кўринишидаги ашё захирасининг ўзгариш жараёни ашёвий баланс тенгламаси ёрдамида қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\frac{dM(t)}{d(t)} = Q_{кл}(t) - Q_{км}(t) \quad (5)$$

бунда,  $M(t)$  – камерадаги ашё захираси катталиги;  $Q_{кл}(t)$  – келаётган ашё оқими;  $Q_{км}(t)$  – кетаётган маҳсулот (тола ва чигит).

Ашё захирасининг ўзгариши нолли бошланғич шартларда (5) ифода асосида оператор шаклида қуйидагича ифодаланади:

$$M(p) = \frac{1}{p} [Q_{кл}(p) - Q_{км}(p)] \quad (6)$$

Жиндаги хомашё валиги зичлиги  $Y$  ва жиннинг бош электромотори юкланиш токи  $X$  орасидаги боғланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.

Тажрибалар “Косонсой пахта тозалаш” АЖ да ишлаб чиқариш шароитида 4ДП-130 жинида С65-24 селекцион навли I- ва III-нав қўл терими пахтада ўтказилди.

Жин ишлатилаётганда хомашё валиги зичлигини белгиланган катталиқда олишнинг техник имконияти йўқлиги сабабли омил сифатида электромотор токини, чиқувчи параметр сифатида эса хомашё валиги зичлиги олинди. Эксперимент натижаларни таҳлил қилишда эса уларнинг ўринларини алмаштирилди. Тажиба ўтказишда жин юргизилгандан кейин корхонадаги ишлаб чиқариш талабларини бузмаган ҳолда асосий белгиланган ток кучи катталигига тўғри келадиган қилиб, барқарор режимга чиқарилди. Тажибалар электр токи кучини  $X_u = 90, 100, 110, 120$  ва  $130$  ампер қилиб олиб ўтказилди.

Эксперимент маълумотлари математик статистика усуллари билан ишланди. Улар бўйича олинган регрессион тенгламалар, I-нав (7) ва III-нав (8) пахта учун:

$$Y_R = 3,5X - 12; \quad (7)$$

$$Y_R = 5,8X - 328 \quad (8)$$

Тадқиқотлардан I-нав пахта учун хомашё валигининг оптимал зичлиги  $\rho_s = 325 \text{ кг/м}^3$ , III-нав пахта учун –  $\rho = 290 \text{ кг/м}^3$  лиги аниқланган.

(7) ва (8) регрессион тенгламалардан I- ва III-нав пахта учун аррали цилиндр электромотори юкланиш токининг оптимал қийматларини аниқлашимиз мумкин, I-нав (9) ва III-нав (10) пахта учун:


$$X = \frac{Y + 12}{3,5} \quad (9)$$

$$X(325) = \frac{325 + 12}{3,5} = 96$$


$$X = \frac{Y + 328}{5,8} \quad (10)$$

$$X(290) = \frac{290 + 328}{5,8} = 106,5$$

(9) ва (10) лардан фойдаланиб, аррали цилиндр электромотори юкланиш токининг рационал қийматларини аниқлаш графикларини (4-расм) курамыз.



а)



б)

4-расм. I-навли (а) ва III-навли (б) пахта учун аррали цилиндр электромотори юкланиш токининг рационал оралиғи графиклари

Графиклардан I-нав ва III-нав пахта учун аррали цилиндр электромотор юкланиш токининг рационал оралиғи, мос равишда, 92-101 А ва 103-110 А ни топишимиз мумкин. Бу оралиқларда тола энг кам шикастланган ҳолда юқори жинлаш унумдорлигига эришилади.

Ростлаш тизими томонидан аррали жин ишига таъсир қилувчи чиқиш параметрлари аниқланди (1-жадвал.)

1-жадвал


### Тажрибанинг чиқиш параметрлари

Белгиси	Чиқиш параметри номи
$Y_1$	Хомашё валигининг зичлиги $\rho$ , кг/м <sup>3</sup>
$Y_2$	Унумдорлик $P$ , кг/соат
$Y_3$	Толанинг штапел масса узунлиги, мм
$Y_4$	Толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши $\Pi$ , %

Компьютер дастуридан фойдаланиб, қуйидаги регрессион тенгламалар олинди:

$$\begin{aligned} Y_1 &= 369,8 + 46,25X_1 + 28X_2 & Y_2 &= 8 + 1,6X_1 - 1,0X_2 \\ Y_3 &= 30,0 - 0,4X_1 - 0,7X_2 & Y_4 &= 3,64 + 0,21X_1 + 0,19X_2 \end{aligned} \quad (11)$$

Юқорида келтирилган тенгламалар бўйича қурилган графиклар 5-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, тола ажратиш жараёни учун берилган пахта нави, намлиги, унумдорлик каби ташқи параметрларда сифатли тола олиш учун хомашё валигининг рационал зичлигининг сақланишини таъминлаш керак.



**5-расм. Хомашё валиги зичлиги 1, жин унумдорлиги 2, толанинг штапел масса узунлиги 3 ва толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши 4 ни юкланиш токи (а) ҳамда пахта намлиги (б) билан боғлиқлик графиклари**

Диссертациянинг “Таъминлагич конструкциясини такомиллаштиришнинг тадқиқи” деб номланган учинчи бобида таъминлашни ростлаш масалаларининг тадқиқи ўтказилди. Бажарилган таҳлил натижасида пахта тозалаш технологик жараёнларига автоматик ростлашнинг пропорционал-интеграл қонуни мос келиши аниқланди.

ПИ-ростлаш ростланувчи катталикнинг оғиши ва унинг интегралига пропорционал ростловчи таъсирни таъминлайди:

$$S = -K_0 \left( \Delta y + \frac{1}{T_{уз}} \int \Delta y dt \right) \quad (12)$$

бунда,  $T_{уз}$  – интеграл ташкил этувчининг таъсир даражасини характерловчи вақт доимийси (изодром вақти).


Хомашё валиги зичлигининг ўзи текисланиши ва ўзи ростланиши бўйича бажарилган илмий ишларнинг танқидий таҳлили асосида махсус эксперимент ўтказилди. Ўзиростланиш коэффициентини экспериментал аниқланди. Тажрибалар 3 мартадан қайтарилиб натижаларнинг ўртачалари қабул қилинди ва (13) формула бўйича ўзиростланиш коэффициентининг катталиклари ҳисоблаб топилди.

$$C_m = \left( \frac{\Delta m_n}{m_{\max}} \right) / \left( \frac{\Delta m}{m_0} \right), \quad (13)$$

бунда,  $\Delta m_n$  – таъминлагич томонидан узатилаётган пахта массасининг ўзгариши, кг/соат;  $m_{\max}$  – таъминлагич томонидан узатилаётган пахтанинг максимал массаси, кг/соат;  $\Delta m$  – хомашё валиги массасининг ўзгариши, кг;  $m_0$  – хомашё валиги массасининг ўрнатилган қиймати, кг.

Бундай тажрибалар жин электромотори юкланиш токининг қиймати  $I = 90, 100, 110, 120$  ва  $130$  ампер бўлганида қайтарилди. Олинган натижалар бўйича қурилган график 6-расмда келтирилган.

Тажриба натижаларининг кўрсатишича, тажриба ўтказиш шароитларида ўзиростланиш коэффициентини мусбат ишорали бўлиб, хомашё валиги зичлиги ўзиростланувчанлик хусусиятига эга. Бунда жин унумдорлиги ва хомашё валиги зичлиги ошиши билан ўзиростланиш коэффициентининг абсолют қийматининг ҳам ошиши кузатилади.



**6-расм. Аррали жин учун хомашё валиги зичлиги ўзиростланиш коэффициентининг ток кучига боғлиқлик графиги**

Бундан 4ДП-130 жинда электромотор юкланиш токининг ўзгариши 90-130 А оралиқда бўлганида ва технологик режимнинг бошқа кўрсаткичлари йўл қуйилган чегаралардан чиқмаганида жиндаги тола ажратиш жараёни ўзиростланувчан, хомашё валиги ўзиростланувчан бўлади. Ўз навбатида бу ҳолат жинда тола ажратиш жараёни учун энг муҳим белгиловчи омил бўлган хомашё валиги зичлигини ростлаш учун пропорционал-интеграл қонунини ишлатиш мақсадга мувофиқ эканлиги амалда тасдиқланди.


Диссертациянинг **“Жин таъминлагичларининг ростланувчи юритмасини яратиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар”** деб номланган тўртинчи бобида жин таъминлагичларининг ростланувчи юритмасини яратиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Ишчи камерани юкланиш токи ўзгаришини назорат қилиш қурилмаси билан таъминланиши хомашё валиги зичлигини назорат қилиш ва ишчи камерасига узатилаётган материал ҳажмини ростлаш имконини беради.

Аррали жиннинг такомиллаштирилган ишчи камераси қуйидагича ишлайди (7-расм). Келаётган пахта 8 аррали цилиндр 4 билан контактга кирувчи хомашё валиги 7 ни ҳосил қилади. Хомашё валиги 7 дан колосникли панжара 3 орқали аррали цилиндр 4 ёрдамида тола ишчи камерасидан чиқарилади, бунда чигитни чиқарилиши чигит тароғи 5 нинг ҳолати билан ростланади. Хомашё валиги 7 нинг зичлиги ўзгаришида ва мос равишда аррали цилиндр 4 электромотори 9 да юкланиш токи ўзгаришида,




таъминлагич электромотори ишини автоматик ростлаш қурилмаси 11 ни бошқарувчи, юкланиш токининг назорат датчиги 10 таъсирланади. Таъминлагич электромотори ишини автоматик ростлаш қурилмаси 11 таъминлагич электромотори таъминлашнинг ток частотасини ростлаш йўли билан унинг тезлигини ва ишчи камерасига узатилаётган пахта 8 миқдорини шундай ўзгартирадики, хомашё валиги зичлигининг ўрнатилган катталиги тикланади.



**7-расм. Аррали жин ишчи камерасининг ишлаш схемаси**

Аррали жин таъминлагичи қуйидагича ишлайди (8-расм). Хомашё валигининг зичлиги рухсат этилгандан юқори катталикка ўзгарганда жин электромоторининг юкланиш токи датчиги частота ўзгартиргич 7 га сигнал узатади. Частота ўзгартиргич 7 таъминловчи валиклар 1 ни айланттирувчи электромотор 6 нинг айланиш частотасини ростлайди ва шу билан жин ишчи камерасига пахта узатилиш тезлигини шундай ўзгартирадики, хомашё валиги зичлигининг ўрнатилган катталиги тикланади. Жараён поғонасиз амалга ошади ва шу режимда тўхтовсиз давом этади.

Таъминлаш тизимини бошқариш ва аррали жин технологик ишида шу мақсадни амалга ошириш учун Наманган вилоятининг Косонсой пахта тозалаш заводида аррали жиннинг такомиллаштирилган таъминлаш тизимининг синов тажрибалари ўтказилди. Синовлар С65-24 селекцион навли I- ва III-нав пахтада ўтказилди. Дастлабки синовлар натижаларидан келиб чиқиб, хомашё валигининг зичлиги ва у томонидан аррали цилиндр электромоторида ҳосил қилинаётган юкланиш токи танланди.



**8-расм. Аррали жин таъминлагичининг ишлаш схемаси**

Аррали жин аррали цилиндр электромоторининг юкланиш токи 100 А га чиққандан сўнг хомашё валигининг зичлиги таъминлагич электромотори тезлигини частота ўзгартиргич орқали ростлаш йўли билан назорат қилиб турилди. Амперметр кўрсаткичи 90 А дан 100 А гача ораликда ўзгарди. Хомашё валиги зичлигининг ўзгаришига қараб таъминлагич электромоторининг айланиши силлик, поғонасиз ростланди.

Таъминлашни ростлаш тизимининг қўлланилиши ва аррали жин ишчи камерасини пахта билан биртекис юкланиши:

- I-навли пахтани ишлашда хомашё валиги зичлигини  $310-340 \text{ кг/м}^3$  ораликда, III-навли пахтани ишлашда –  $270-310 \text{ кг/м}^3$  ораликда стабил ушлаб туриш имконини беради;


- жинларнинг тикилишларини олди олиниши натижасида уларни тўхтаб туриш вақтини кескин қисқартириш имконини беради, бу эса жинларнинг стабил ишлашига ва уларнинг унумдорлиги ошишига олиб келади.

Мавжуд 4ДП-130 ва таъминлашни ростлаш қурилмалари 4ДП-130 аррали жинида ўтказилган синов давомида олинган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари I- ва III-навли пахта учун 2-жадвалда, солиштирма диаграммалар 9-расмда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, жиннинг бир текис ишлаши натижасида пахта толасидаги нуксонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши ва штапел масса узунлиги каби сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Шу билан бирга чигитнинг ҳам сифат кўрсаткичлари яхшиланди, хусусан, чигитнинг механик шикастланганлиги ва тукдорлиги камайди.

**С65-24 селекцион навли I-нав ва III-нав пахтада турли таъминлаш тизимли аррали жинларда ўтказилган тажрибаларнинг солиштирма натижалари**

№	Сифат кўрсаткичлари	4ДП-130		Янги таъминлаш тизимли 4ДП-130	
		I-нав	III-нав	I-нав	III-нав
1	Унумдорлик, кг/арра-соат	8,0	7,0	8,0	7,0
2	Пахтанинг намлиги, %	8,0	9,0	8,0	9,0
3	Пахтанинг ифлосланганлиги, %	1,0	2,0	1,0	2,0
4	Толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши, %	2,3	3,4	1,8	3,2
5	Штапел масса узунлиги, мм	33,2	29,5	33,3	29,7
6	Чигитнинг механик шикастланганлиги, %	1,4	8,6	1,2	7,5
7	Чигитнинг тукдорлиги, %	11,8	12,7	11,0	11,8

Синов натижалари 4ДП-130 аррали жинларда таъминлашни рoстлаш қурилмасининг ўрнатилиши, пахтани хомашё валигининг зичлиги рoстланадиган жинларда ишлашда, ишчи камерасини бир текис юкланишини таъминлашини ва сифатлироқ тола ва чигитлар олинishiга имкон беришини кўрсатди.



**9-расм. I- ва III-нав пахтани жинлашда толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши (а) ва толанинг штапел масса узунлиги (б)**

Ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш давомида толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича қуйидаги натижалар олинди, хусусан, I- ва III-нав пахтани ишлашда пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улуши мос равишда 0,5% ва 0,2% га камайди, штапел масса узунлиги 0,1 мм ва 0,2 мм га ортди.

Жиннинг таклиф этилган таъминлаш тизимини жорий этишдан олинанадиган иқтисодий самаранинг ҳисоби пахта тозалаш саноатида янги

технологияни жорий қилишдан иқтисодий самарани аниқлаш услубияти бўйича ҳисобланди. Аррали жинни таъминлашни ростлаш тизимини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган ҳар 1 тонна толага 29,8 минг сўмлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

«Тола сифатини яхшилаш мақсадида аррали жинни таъминлаш жараёнини такомиллаштириш» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинган:

1. Пахта тозалашдаги турғун ва нотурғун технологик жараёнларнинг математик моделлари асосида хомашё валиги учун ашёвий баланс тенгламаси тузилди ва уни таҳлил қилиш йўли билан хомашё валиги зичлиги орқали жараённи хомашё билан таъминлашни бошқариш технологиясини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

2. Хомашё валиги зичлиги ва аррали цилиндр электромотори юкланиш токи орасидаги боғланишни аниқлаш бўйича ўтказилган эксперимент натижасида олинган регрессион тенгламалар таҳлили аррали цилиндр электр мотори юкланиш токининг хомашё валиги зичлигига боғлиқ равишда ўзгариши ва I-нав пахта учун хомашё валиги зичлигининг оптимал қиймати  $325 \text{ кг/м}^3$  га электромотор токининг қиймати 96 А, III-нав пахта учун, мос равишда  $290 \text{ кг/м}^3$  ва 106,5 Ага тенг бўлишини аниқлашга хизмат қилди.

3. Технологик жараёнларни ростлашнинг мавжуд қонуниятлари таҳлили асосида хомашё валиги зичлигини ростлаш учун назарий жиҳатдан пропорционал-интеграл қонунини қўллаш мақбул эканлиги аниқланди ва унинг амалиётда қўлланиши аррали жинга пахтани бир меёрда узатиш ва жараённи автоматик тарзда бошқариш имконини берди.

4. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида 2 та муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган аррали жинни таъминлашни ростлаш тизими ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада корхоналарда пахтани жинлаш жараёнида унинг табиий хусусиятларига салбий таъсирни камайтириш имкони яратилди.

5. Аррали жинни таъминлашни ростлаш тизимининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши I- ва III-нав пахтани ишлашда пахта толасидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини мос равишда 0,5% ва 0,2% га камайтириш, штапел масса узунлигини 0,1 мм ва 0,2 мм га ошириш, чигитнинг механик шикастланганлигини 0,2 % ва 1,1 % га, чигитнинг тукдорлигини 0,8 % ва 0,9 % га камайтириш имконини берди. Натижада корхоналарда пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди.

6. Аррали жинни таъминлашни ростлаш тизимини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган ҳар 1 тонна толага 29,8 минг сўмлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.30.05.2018.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**УМАРОВ АКМАЛ АКПАРАЛИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПИТАНИЯ ПИЛЬНОГО  
ДЖИНА С ЦЕЛЬЮ УЛУЧШЕНИЯ КАЧЕСТВА ВОЛОКНА**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.4.PhD/T529.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Ахмедходжаев Хамит Турсунович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Маматов Алишер Зулунович**  
доктор технических наук, профессор

**Сулейманов Рустам Шенникович**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:** **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «17» ноября 2018 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.30.05.2018.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №126).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «30» октября 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №01 от «30» октября 2018 года).

**Р.Мурадов**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**О.Саримсаков**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**К.Холиков**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Из года в год на мировом рынке повышается спрос на натуральные волокна, особенно на хлопковое волокно. Согласно данным «Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC)» в последние годы на мировом уровне вырабатывается около 23,0 млн. тонн хлопкового волокна, а его потребность составляет 24,55 млн. тонн. За счет интенсивного увеличения населения потребность на хлопковое волокно и увеличение спроса на него ожидается и в будущем<sup>1</sup>. Поэтому, на мировом уровне улучшение качества и снижение себестоимости хлопковой продукции, создание автоматизированных, ресурсосберегающих технологий, установление и ликвидация факторов, отрицательно влияющих на качество продукции на каждом этапе производства хлопковой продукции, в том числе, в процессе отделения волокна от семян хлопка за последние годы становится важной задачей.

В мире как основной процесс первичной обработки хлопка, уделяется особое внимание процессу отделения волокна от семени (джинирование), развитию его техники и технологии, а также повышению качества и снижению себестоимости продукции за счет широкого внедрения современной, ресурсосберегающей техники и технологии джинирования. В этом направлении, в частности, разрабатываются научные основы повышения эффективности процесса джинирования хлопка, сохранения первоначальных качественных показателей волокна и семян при переработке, уменьшения расхода энергии процесса. Вместе с этим, приобретает особую важность вопросы создания малогабаритных, простых, нематериалоемких и энергосберегающих конструкций, способствующих разработке современных, автоматизированных, гибких технологий подачи и джинирования хлопка.

В республике уделяется большое внимание стремительному развитию производства готовой продукции с добавочной стоимостью на основе глубокой переработки хлопкового сырья, обеспечению конкурентоспособной хлопковой продукции на внутреннем и внешнем рынке на основе модернизации хлопкоочистительной промышленности.

В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». При выполнении данного требования в хлопкоочистительной промышленности одним из важных задач является разработка и внедрение высокоэффективной, автоматизированной технологии питания пильного джина хлопком-сырцом, способствующей

---

<sup>1</sup> International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2017.

улучшению качества волокна и семян, а также сокращению энергетических расходов, за счет автоматического регулирования подачи хлопка.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и от 14 декабря 2017 года №УП-5285 «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2017 года №ПП-3408 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» и от 4 марта 2015 года №ПП-4707 «О программе мероприятий, касающихся структурным реформам, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики: II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Толчком для формирования отрасли производства хлопковой продукции стал первый джин, созданный американским инженером Эли Уитнеем в 1793 году. На этапах развития отрасли до сегодняшних дней были разработаны теоретические и практические основы процесса, процесс отделения волокна от семени был сформирован и развит до целой технологической цепочки переработки хлопка-сырца.

Американские изобретатели и ученые, как D.M. Alberson, C.V. Armijo, M.N. Gullim, D.P. Whitelock, G.R. Gamble, S.E. Hugs, а также отечественные ученые, как Левкович Б.А., Болдинский И.Г., Мирошниченко Г.И., Роганов Б.И., Хожинова М.А., Гробер А.Д., Бекмирзаев Б.И., Каттаходжаев Р.М., Фазилдинов С., Гнеденко В.И., Тютин П.Н., Лугачев А.Е., Бурнашев Р.З., Корабельников Р.В., Мавлявиева Ф.М., Хафизов И.К., Тиллаев М.Т., Максудов И.Т., Азизходжаев А., Хожиев М.Т., Усманов Х.С., Гулидов Н.Г., Базаров Б.Б., Сафаров Н.М., Мурадов Р.М. и другие внесли свой вклад не только в развитие процесса волокноотделения, но и в развитие техники и технологии первичной обработки хлопка в целом.

Научно-исследовательские работы, выполненные до настоящего времени, были направлены на решение некоторых задач совершенствования процессов и машин по отделению хлопкового волокна от семени, а также совершенствованию процесса питания хлопком пильных джинов, регулированию питания пильных джинов, в результате их в некоторой степени развита техника и технология первичной обработки хлопка, улучшены качественные и количественные показатели получаемой продукции. Однако проблемы создания ресурсосберегающей технологии управления питанием процесса джинирования сырья, в соответствии уровня



плотности сырцового валика пильного джина с сохранением природных свойств хлопка изучены не в достаточной степени.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполняется диссертация.**

Исследование диссертации проводилось в рамках темы научно-исследовательской работы Наманганского инженерно-технологического института ИОТ-2016-2-9 «Внедрение в производство устройств регулирования плотности сырцового валика и сбережения электроэнергии в джинурующей машине» (2016-2017).

**Целью исследования** является повышение эффективности волокноотделительной машины путем автоматического регулирования питания хлопком-сырцом.

**Задачи исследования:**

